



“АФҒОНИСТОН: ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

“Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги Тошкент халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини кутлашдан бағоят мамнунман.

Ушбу форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Анжуман ишида БМТ Бош котибининг вакили жаноб Маркус Потцел иштирок этаётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсадларга қатъий содиқ эканидан далолат беради.

Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари давлатлари махсус вакилларининг конференцияда иштирок этаётгани эса бугунги учрашунинг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Сизлар Афғонистон муаммоларини ҳал этиш ва афғон халқига ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилишда бевоқиф қатнашиб келмоқдасиз.

Биз бугунги форумда Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, шуниҳддек, халқаро молиявий институтлар ва етакчи таҳлил марказлари вакилларини кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Анжуманда иштирок этаётган ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ва раҳбарлари жаноб Амир Хон Муттақий бошчилигидаги нфузули Афғонистон делегациясини ҳам кутлаймиз.

Мазкур конференция Афғонистоннинг янги ҳукумати билан афғон халқи ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий фикр алмашиш учун имкон яратлади, деб ишонамиз.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбек ва афғон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бизни умумий маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюқ ажодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш кераки, Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шу сабабли ўзининг янги тарихида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар инқиризмага дуч келаётган Афғонистонга нисбатан дунёда эътибор сусайиб бораётгани хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Аминмики, жаҳон ҳамжамияти бугун 1990-йиллардаги ҳатоларни қайта тақорламайди, уларни четлаб ўта олади ва бундан мақсадага, албатта, эришиш лозим.

Афғонистоннинг халқаро майдонда яққалаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувига олиб келиши муқаррар. Шу боис, бундай ҳолатга йўл қўймайлик муҳимдир, чуқни гап миллионлаб инсонларнинг тақдири ҳақида бормоқда.

Ҳозирги пайтда Афғонистон Муваққат ҳукумати мамлакатда тинчликни қарор топтириш бўйича муайян қадамлар қўймоқда, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, халқаро ҳамжамият

билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилга ҳаракат қиломоқда. Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламларидан вакиллар кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, барча миллий ва диний гуруҳларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишнинг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда.

Биз Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, барча халқаро террорчилик ташкилотлари билан алоқаларини узиш учун ўзининг қатъий иродасини намойён этиб, кескин чоралар кўришга чақирамиз.

Бундай ёндашув Муваққат ҳукуматга бўлган ишончининг мустаҳкамланишига олиб келади, Афғонистон учун ён-атрофдаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳитида барқарор тараққиёт этиш бўйича аниқ истиқболлар очади.

Қадри дўстлар!

Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро ббликлини мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция ҳам Афғонистонда тинчликни сақлаш халқаро хавфсизликни таъминлаш учун гоят муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлади.

Биз, бутун халқаро ҳамжамият афғон халқи билан бирдамликни намойён эти-

шимиз зарур. Биз ўз саъй-ҳаракатларимизни Афғонистонни тинч, барқарор ва фаровон ўлгага, терроризм, уруш ва наркотик моддалардан холи мамлакатга айлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга сафарбар қилишимиз лозим.

Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш вазифаси бизнинг умумий устувор йўналишимизга айланиши зарур. Айни шундай қараш жафокаш афғон заминидан мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу йўналиш, хусусан, мамлакатнинг минтақаларга иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви, инфратузилмаларга доир ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириши ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан қайта тиклашга кўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга, жумладан, йирик транс-минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари сурган ҳолда, салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Сўзимнинг ниҳоясида бугунги конференция фойдали баҳс-мунозаралар учун ҳамда Афғонистон халқининг манфаатлари ва орзу-интилишларига жавоб берадиган, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали мулоқот майдони бўлади, деб умид қиламан.

Конференция фаолиятига, унинг барча иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — БАРЧА РАҲБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни аҳоли турмушини яхшилаш ва тадбиркорлар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда барча соҳа ва йўналишларда фундамен-тал ислохотлар амалга оширилди. Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқаровар давлат барпо этиш унинг биринчи мақсади этиб белгиланган.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,4 фоиз ўсган. Саноат, қурилиш, савдо ва хизматлар соҳаларидаги ривожланиш суръатлари ҳам, пировардида, аҳоли турмушида намойён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари, ижтимоий тармоқлар ва сўровлар орқали соҳа ва ҳудудлардаги муаммолар, одамларнинг адолатли таклифлари ўрганиб борилмоқда. Улар асосида халқимизни рози қиладиган қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик бўйича лицензия ва рухсат-

номаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, муддатлари қисқартирилди. Иил бошидан буюн 50 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Аҳоли сотиб олган уйларнинг 28 фоизи ипотека кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда ишлаётган аёлларга ҳам давлат бюджетидан 2 миллион сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда аҳоли ва бизнесни қийнаб келаётган муаммолар, улар бўйича илгари сурилатилган таклиф ва ташаббуслар муҳокама қилинди. Асосли таклифларни қаноатлантириш, одамлар учун қўлайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Президент халқимизни рози қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади.

ЎЗА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ АФҒОНИСТОНДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Йиғилишда Европа, Америка қитъалари, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари, етакчи таҳлилий марказлар вакиллари ҳамда Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этиди.

Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад Афғонистонда гуманитар инқиризнинг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш, кўп миллатли афғон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу

мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишдан иборат.

Учрашуви мамлакатимиз ташқи ишлар вазири вакилининг раҳбарлигида Владимир Норов очиб бераркан, Афғонистон ҳукумати олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг конференция иштирокчиларига мурожаатини Ўзбекистон Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили, Президент хузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосари Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Афғонистон ташқи ишлар вазири вакилининг раҳбарлигида Амир Хон Муттақий ўз мамлакатидида барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик гарови эканига алоҳида ургу берди.

Конференция ялпи мажлиси давомида хорижий экспертлар томонидан турли таклиф, ташаббуслар илгари сурилди, мавзуга оид маърузалар тингланди. Хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга кўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида яқдил фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман дастурига мувофиқ, турли долзарб мавзуларга бағишланган секция учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Қўшни Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган гуманитар ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар тақдироти намойиш қилинди.

Тошкент конференциясига ташриф буюрган таникли хорижлик мутахассислар, тажрибали экспертлар мамлакатимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш, хусусан, Афғонистонни терроризм ва урушдан холи тинч, фаровон мамлакатга айлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатини юксак баҳолади.

Тадбир якунида Афғонистон бўйича халқаро конференцияга мезбон давлат баёноти қабул қилинди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Улугбек МАХМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбирлари



ЎЗБЕК ИСТОННИНГ ТИНЧИКЛАРВАР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ АФҒОНИСТОН КЕЛАЖАГИ ВА АФҒОН ХАЛҚИ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛМОҚДА

Тошкентда “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги халқаро конференция якунланди

26 июль куни Ўзбекистон пойтахтида “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, шунингдек, БМТ, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби етакчи халқаро тузилмалардан 100 дан ортиқ юқори мартабали вакили иштирок этиди.

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



ҚАТЪИЙ ИШОНЧ РУҲИ БУГҲН ҲАР БИРИМИЗНИ УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ ЧОРЛАМОҚДА

Табиатда буюк сеҳр, катта куч бор. Башарият пайдо бўлибдики, табиат қонунилари, турмуш шакли шамойили доим ўзгариб келади. Ҳеч қачон бир йил иккинчисига ўхшамаган, ҳар бир отаётган тонг ўз хусни ва мазмун билан ўзгача. Мана шундай абадий қонуният асосида яшаймиз. Лекин бунга ҳар доим ҳам эътибор бермаймиз, гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек. Аслида-чи? Ўзгараётган ҳаётимиз ҳам, умримиз мазмуни ҳам, дунёқарашимиз, бугуну эртаимиз ҳам — ҳар кунимиз ҳаракатдан иборат. Гап бу ҳаракатнинг мақсади, олий ва эзгу ниятлар, орзу-умидлар кўламинида.

Шу маънода, кейинги олти йиллик янгилаш даври ва халқимиз орзусини рўёбга чиқариш йўлидаги ислохотлар мазмундорлиги ҳақида ҳар қанча гапирсак камдек туюлади.

Президентимиз 2021 йили 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган сўхбат-интервьюсида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйганимиз ҳақида гапирар экан, жумладан, бундай деган эди: “Таъкидлаш кераки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган,


мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлар борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона

ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожландириган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”. Давлатимиз раҳбарининг мана шу олижаноб мақсади бугун ҳар биримизни янги марралар сари чорлаб, қалбимизни руҳлантириб турибди.

Бу зврилиш нималарда акс этади? **Авалло, ишончда.**


Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ АФГОНИСТОН КЕЛАЖАГИ ВА АФГОН ХАЛҚИ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛМОҚДА

Тошкентда "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусидаги халқаро конференция якунланди



Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган конференциядан қўлланган асосий мақсад жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга нисбатан умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш, жумладан, унинг янги ҳукумати билан мулоқотни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, афғон халқига мамлакатни ривожлантириш, мустақил, барқарор ва ўзини ўзи таъминлайдиган давлат қуришга қўмаклашишдан иборат бўлди.

Президентимиз шу йил 21 июль куни Қирғизистонда бўлиб ўтган Марказий Осие давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида таъкидлаганидек, Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолдиши керак.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Владимир Норов форумни очар экан, Афғонистон Муваққат ҳукумати томонидан халқаро ҳамжамиятнинг асосий талабларини тезкорлик билан бажариш, жумладан, кенг вакилликка асосланган инклюзив ҳукумат шакллантириш, аёллар ва миллий озчиликлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, афғон қизларининг тўла мактаб таълим олишига имконият бериш афғон халқининг тинч-осойишта келажагига ҳизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига Мурожаатини Афғонистон Президентининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов ўйиб эшиттирди. Мазкур ҳужжатда Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осие, Яқин ва Узоқ Шарқ, Осие-Тинч океани минтақаси давлатлари махсус вакилларининг халқаро форумда катнашаётгани Афғонистон муаммоларини ҳал қилиш ва ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва афғон халқига қўмақ беришдаги бевосита иштирокни ифода-лаётгани таъкидланган.

Анжуманда **БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш**нинг давлатимиз раҳбарига мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда конференция ташкил қилингани учун миннатдорлик изҳор қилиниб, анжуманга муваффақият тиланган.

Терроризмга қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари нимҳа қилиш, аёллар ва қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш Афғонистонда, шунингдек, минтақа ва ундан ташқарида тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди, дейилган мактубда. Афғонистон барқарорлигида Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларнинг ўрни муҳим экани урганган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонда тинчликни мустақамлаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш, барқарор ривожланишига қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давом этиши таъкидланган.

Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий форумдаги нутқида "Бизнинг ниятимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдир. Бу эса иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликка ҳизмат қилади. Ҳозирги сийёсатимиз иқтисодий ривожланишга, Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осие минтақалари ўртасидаги "ҳамкорлик хаби"га айлантиришга қаратилган. Биз барча гуманитар ташкилотлар билан ҳамкорликни ўзаро ҳурмат асосида ривожлантиришга тайёрмиз. Биз уларнинг хавфсизлигини кафолатлаймиз. Биз бутун дунё ҳамжамиятига Афғонистон энди уруш ва қон тўкиладиган жой бўлмағлини ҳам эълон қилдик", деб таъкидлади.

Афғонистон ҳукумати вакили бу галги Тошкент конференцияси аввалгиларидан тўбдан фарқ қилганини, унда Афғонистонни ривожлантиришни ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳал этишга, афғон халқига ёрдам кўрсатиш йўлига катта эътибор қаратилганини таъкидлади.

"Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматидаги ушбу анжумани ташкил этгани ва ўтказгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман", деди Амир Хон Муттақий.

"Дунё" ахборот агентлиги мухбирлари халқаро форум давомида унинг иштирокчиларидан интервьюлар ёзиб олди.

Мунир МАММЕДЗАДЕ, UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг табрик сўзларида Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш учун платформа яратишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни мавжудлиги қайд этилди. Ўзбекистон Афғонистонда барқарорликни таъминлаш, гуманитар масалалар, инсон ҳуқуқлари, жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари каби халқаро ҳамжамият кун тартибидидаги долзарб муаммоларни ҳал этишнинг изчил тарафдори бўлиб келмоқда.

Бугунги тадбир барча манфаатдор томонларни — халқаро тузилмалар раҳбарлари, Европа Иттифоқи, БМТнинг Афғонистондаги миссияси раҳбарларини, шунингдек, АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа қўллаб-қувватлаётган раҳбарларини бир ерга тўплаш имконини берди.

Бу омил жаҳон ҳамжамияти вакилларига тадбирда иштирок этаётган Афғонистон вакиллари билан тўғридан-тўғри фикр алмашиш ва "Толибон"дан қутулаётган ижобий натижаларга эришишни истиқболлари, жумладан, инсон ҳуқуқларини рўйга чиқариш, инклюзивлик, хотин-қизлар учун таълим олиш масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Умид қиламизки, ушбу тадбир натижасида Афғонистон ҳукумати томонидан юқоридаги масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар қўйилди.

Биз БМТ жамоаси сифатида Ўзбекистон раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз ва бугунги кунда Термиз шаҳрида Афғонистонга гуманитар ёрдам етказишда логистика йўлаги сифатида фаол фойдаланилаётганидан жуда мамнунмиз.

Бундан ташқари, ушбу шаҳарда Афғонистон фуқаролари учун ўкув маркази мавжуд бўлиб, у ерда билим олиш ва замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш имкониятлари яратилган.

Шунингдек, биз Сурхондарё вилоятида БМТ агентликлари билан қўшма дастурларни амалга ошироқдамиз ва афғон фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудида тегишли хизматлардан фойдаланиши, уларнинг эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларини бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Замир КОБУЛОВ, Россия Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили:

— Тошкент конференцияси катта аҳамиятга эга, чунки бу ерда хавфсизлик масалалари билан бир қаторда иқтисодий қўмақ ва Афғонистонни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Минтақавий давлатлар учун бундай конференцияларда иштирок этиш жуда муҳим, шунда овозимиз янада баландроқ эшитилади. Ҳозирги пайда Афғонистонда вазиятни барқарорлаштиришнинг жуда мураккаб жараёни кечаяпти.

Бу, шунингдек, Россия ва Марказий Осиедаги ҳамкорларимизни ташвишга солаётган ИШИДга қарши курашиш нуктаи назаридан ҳам долзарб. Биз ушбу халқаро ёвузликка қарши курашишда давом этадиган "Толибон"нинг саъй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз.

Инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, "Термиз" — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўлини қуриш Афғонистоннинг иқтисодий келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Россия бундай лойиҳани тўла қўллаб-қувватлайди, чунки бу гоа қизиқарли ва жуда муҳим.

Таалатбек МАСАДИҚОВ, Қирғизистон Президентининг махсус топшириқлар бўйича махсус вакили:

— Тошкентдаги конференция жуда муҳим, зарур ва ўз вақтида бўлиб ўтди. Жаҳон сийёсатида йўналишларни тўғри белгилаш ўта муҳим. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонда ҳали ечимини топмаган масалаларга мунтазам эътибор қаратмоқда.

Афғонистонда "Толибон" ҳокимият тепасига келганига 11 ой бўлди. Табиийки, улар катта муаммоларга, жумладан, иқтисодий муаммоларга дуч келмоқда. Тошкент конференциясида сўзга чиққан Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий уларни Муваққат ҳукумат ҳал қилмоқчи эканини таъкидлаб, шу вақт ичиде зриштилган ижобий жиҳатларни санаб ўтди.

Ўзбекистон ҳукумати, шаҳсан давлатингиз раҳбари томонидан афғон халқига ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар мутлақо тўғри ёндашув, биз буни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Бугунги анжуманда самимий мулоқот бўлди. Энди олдинга ҳаракат қилиш керак.

Марказий Осие — умумий уйимиз. Ўйламанки, бизда афғонлар учун вазиятни барқарорлаштиришга қўмаклашиш, минтақамизни Фарб ва Шарқ мамлакатларини боғлайдиган кўприкка айлантириш имконияти мавжуд.

Нагаоки КАНСУКЕ, Япония ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи ва вазириликнинг Яқин Шарқ ва Африка ишлари бўйича бюроси бош директори, Афғонистон бўйича махсус вакили:

— Япония ҳам бошқа давлатлар сингари Афғонистонда барқарорлик бўлишига интилади. Бунинг сабаблари жуда аниқ, бу бутун афғон халқининг умиди, минтақаддаги барқарорлик билан чамбар-час боғлиқ.

Афғонистонда барқарорликни таъминлаш учун барча афғонлар, шу жумладан, аёллар, қизлар ва озчиликларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инклюзив сийёсий жараёнлар сингари масалалар, шунингдек, терроризмга қарши курашни давом эттириш ўта муҳим.

Шуларни иноватга олган ҳолда, Япония ўтган йил давомида ўз саъй-ҳаракатларини икки асосий йўналишга қаратди: биринчидан, "Толибон" ҳаракати билан ҳамкорлик қилиш, иккинчидан, афғон халқни эҳтиёжларини ҳисобга олган гуманитар ёрдамни кўрсатиш.

Халқаро ҳамжамият Афғонистондан юз ўғир-маслиги керак. Қийин гуманитар вазиятга дуч келаятган афғон халқи ташлаб қўйилмаслиги учун "Толибон" билан янада қатъийликда ҳамкорликни давом эттиришимиз лозим. Халқаро ҳамжамият мувофиқлаштирилган ёндашувга таяниши керак. Бу Тошкент анжуманининг мақсадларидан бири, деб ҳисоблайман.

Япония Афғонистон атрофидаги минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этади. Минтақавий алоқаларни мустақамлаш минтақавий иқтисодийнинг тикланишига олиб келади.

Дарҳақиқат, Япония минтақада Ўзбекистон ва Афғонистон жанубини боғловчи темир йўли қуриш ёки Марказий Осие мамлакатларида чегара назорати ва экстремизмга қарши курашиш салоҳиятини мустақамлаш каби турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган.

Шу ўринда Ўзбекистон "Сурхон — Пули-Хумри" электр узатиш линиясини илгари сураётганини, Афғонистон учун зарур электр энергиясининг ярмидан қўшни Ўзбекистон ва Марказий Осиенинг бошқа давлатлари таъминлаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Япония бундан кейин ҳам ҳамкорларимиз билан барқарор, хавфсиз ва мустақил Афғонистон манфаатлари йўлида яқиндан ҳамкорлик қилади.

Фредерик СТАРП, Россия ва Евроосий бўйича эксперт (АҚШ):

— Ўзбекистон Афғонистонни барқарорлаштириш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Тошкент ташаббуси билан уюштирилган бугунги конференция ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Вақт ўтиши билан барча мамлакатлар Афғонистоннинг тинч ривожланиши халқаро барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши, мазкур давлат минтақанинг ажралмас қисми эканининг мазмун-моҳиятини янада чуқур англаб етади. Бу эса жаҳонда афғон заминиде тинчликка эришишни тезлаштиради.

Яна бир муҳим масала — бу, Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиенинг ўзаро боғликлигини мустақамлайдиган транспорт ва логистика маркази сифатидаги тарихий ролини қайта тиклашдир.

Рашид Вали ЖАНЖУА, Испломодб сийёсий тадқиқотлар институтининг илмий ишлар бўйича директори (Покистон):

— Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясининг ўтказилиши ушбу мамлакатнинг халқаро иқтисодий жараёнларга

интеграциялашувни таъминлаш ва минтақаддаги барқарорликни мустақамлашга қаратилгани билан ҳам катта эътиборга молик. Бунда Афғонистонга қўшни давлат бўлган Ўзбекистоннинг ёрдами беқиёс бўлмоқда.

Конференция ҳар томонлама юқори даражада ташкил этилган. Анжуманда АҚШ, Покистон, Хитой, Россия, бошқа давлатлардан махсус вакиллар, етакчи халқаро ташкилотлар ходимлари, шунингдек, Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий бошчилигидаги делегация иштирок этгани эса унинг мавқеи ва аҳамиятини янада юқори қилди.

Конференция иштирокчилари Афғонистондаги барқарорлик ва хавфсизликка эришиш масаласи бўйича ўз фикрлари ва нуктаи назарини очиқ-ойдин изҳор қилиш имкониятига эга бўлди.

Афғонистонга хавфсизлик масалаларида ёрдам бериш, халқаро терроризмга қарши курашишда кучларни бирлаштириш, турли ижтимоий муаммолар ва камбағалликни бартараф этиш учун барча имкониятларни ва саъй-ҳаракатларини сафарбар қилиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ойбек РЎЗИЕВ, Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқаролари ўқитиш таълим маркази директори:

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу конференцияда муҳокама қилинган масалалар долзарб аҳамиятга эга. Афғонистондаги бугунги вазият минтақа давлат-ларининг хавфсизлиги ва истиқболдаги тараққиётiga бевосита боғлиқ.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқаро минбарлардан туриб Афғонистонда тинчликни таъминлаш, мамлакатни минтақанинг иқтисодий жараёнларига жалб этишга доир тақлифларини мунтазам равишда илгари суриб келади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Термиз шаҳрида афғон қизларининг билимли, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган мутахассислар бўлиб етиштиши мақсадида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилган.

Амир Хон МУТТАҚИЙ, Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи:

— Ўзбекистон раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан Тошкентда ўтказилган бугунги конференцияда 35 киши сўзга чиқди. Уларнинг фақатгина 2 нафари бугунги кунда Афғонистон янги ҳукумати томонидан амалга оширилётган ишлорнинг салбий томондан баҳолади. Қолган аксарият маърузачилар Афғонистондаги ижобий ишлорларга эътибор қаратиб, уларни эътироф этди.

Мазкур конференциянинг яна бир муваффақиятли томони шундаки, аввалги афғон инқирозига бағишланган анжуманларда, асосан, хавфсизлик, зуравон-либни тутиш ва сулҳ тузишга қақрилган бўлса, бугунги тадбирда Афғонистон равақи учун иқтисодий ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг муҳими, конференция катнашчилари Афғонистондаги бугунги ҳақиқий вазиятни тўлиқ тушунди. Бу эса ўзаро сийёсий ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга асос яратяди.

44 йилдан сўн, ва ниҳоят, Афғонистон марказий ҳукумати ташкил топмоқда. Бугун Афғонистон ҳудуди айлантирилган марказий ҳокимият томонидан бошқариляпти. Бу бошқа мамлакатларда Афғонистон билан алоқаларни ўрнатишга имкон яратяди. Умид қиламанки, мазкур конференциядан кейин Афғонистоннинг барча музлатиб қўйилган активларини қайтариш имконияти янада ошадди.

Яна бир муҳим жам, бу Афғонистон бундан кейин минтақаддаги беқарорлик манбаи бўлмайдди. Чунки раҳбарият мамлакат ҳудуди "Ал-Қоида" ва бошқа террорчи ташкилотлар томонидан фойдаланилмаглигига кафолат беради.

Шу билан бирга, Афғонистоннинг кейинги мақсади дуненинг барча давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳурмат асосида дипломатик муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, дуст Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва халқига Афғонистон муаммосини ўз дарди деб билгани ҳолда ёндашаётгани, мавжуд муаммоларни мулоқот йўли билан ҳал этиш бўйича махсус майдон яратгани учун чуқур миннатдорлик билдираимиз.

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Президентининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили:

— Президентимиз конференция иштирокчиларига йўлаган мурожаатида қатор муҳим ташаббусларни илгари суриди. Анжуман иштирокчилари ушбу тақлифларни катта қизиқиш билан қутиб олди.

Иштирокчиларнинг барчаси ҳозирги реал вазиятни тан олган ҳолда масалани чуқур ўрганиб, шу асосда ўз фикрларини билдириди. Аввало, биз ҳозир мутлақо бошқа Афғонистон билан муомала қилмоқдамиз. Тошкент конференциясида барча томонлар билан бирга мана шу янги Афғонистонга қандайдиган ёрдам бериш, қай тариқа янги лойиҳаларни амалга ошириш мумкин, деган саволлар атрофида фикр алмашдик.

Анжуман иштирокчилари Афғонистон муаммоси ва уни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ролига жуда юқори баҳо берди.

Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий "Мен бу ерда муҳокама қилинган барча масалалар, саволларни ва хатто шикоятларни ҳам ёзиб бора-яман. Кобулга қайтишим билан ушбу масалалар ҳукумат томонидан муҳокама қилинади ва биз бу борада умумий тил топишга ҳаракат қиламиз", дея таъкидлади.

Йўлашимча, шунинг ўзи ҳам томонлар ўртасида ўзаро ишонч юзага келиши ва ривожланиши учун катта қадамдир. Албатта, бу Афғонистон бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи конференция эмас. Бунгача ўтказилган конференцияларнинг ҳам ўз кун тартиби бўлган. Бугунги анжуман кун тартиби эса мутлақо янгилик мазмун касб этди. Жумладан, Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий конференцияда икки марта сўзга чиқди, қутилмаган ва долзарб саволларга жавоб қайтарди, Афғонистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканини маълум қилди.

Албатта, қирқ йиллик уруш сабабли мамлакатда қўллаб-қувватланган фуқароларни ривожлантиришга қўлга, аммо биз ана шу муаммоларнинг ечишга тайёр бўлган янги давлатни қўриб туришимиз.

Бугунги учрашувда томонлар учун орқикчи масалалардан бири, яъни чет элда музлатилган афғон молиявий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳам АҚШ, ҳам Афғонистон вакиллари томонидан қўтарилгани ҳолда, муҳокама қилинди.

Бу олдинги кун тартиби тарихида қолгандан далолат беради. Ҳозир Афғонистон олдиде турган асосий масалалар — ривожланиш, иқтисодий тикланиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, таълим ҳақида соғлиқни сақлаш соҳаларидир.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, Афғонистон бўйича навбатдаги Тошкент конференцияси олдингиларидан тўбдан фарқ қилади. Анжуманда биз янги Афғонистонни қуриш моделини муҳокама қилдик. Бу Афғонистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам, халқаро ҳамжамият учун ҳам жуда катта муваффақият бўлди, деб айта оламан.

Бугунги кунда марказда 300 нафарга яқин афғон ёшлари ўзбек тили, туризм, ахборот технологиялари, темир йўл мутахассисликлари бўйича таҳсил олмақда.

Афғонистон Муваққат ҳукумати ҳам марказимизда таҳсил олаётган ёшларга катта умид билан қарамоқда. Яқинда ушбу мамлакат транспорт вазири марказимизга келиб, битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди, афғон ёшлари тўлиқ иш билан таъминланишини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, истиқболда темир йўл, АКТ соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича квоталар янада оширилишига умид билдириди.

Бугунги конференциядан сўнг афғон халқи, хусусан, мамлакат ёшларининг таълим билан қамраб олиниши имкониятлари янада кенгайдди, деган умиддамиз.

Шекиба САМАДИЙ, Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқаролари ўқитиш таълим маркази талабаси:

— Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган ушбу халқаро тадбирда иштирок этганимиздан мамнунмиз. Анжуманда Афғонистон янада ривожлантириши, аҳоли фаровонлигини ошириш, энг муҳими, тинчликни таъминлаш бўйича долзарб тақлифлар илгари сурилди.

Ҳозирги кунда Афғонистон катта ўзгаришлар бўсағасида турибди. Шу жумладан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар давом этаётди. Афғон ёшларини, хусусан, қизларни таълим билан қамраб олиш муаммолари ҳал этилмоқда. Мен афғон қизларининг бир вақилини сифатида Афғонистон Муваққат ҳукуматида қўллаб-қувватлаш билан Ўзбекистонга келиб таълим оляман.

Афғонистонда таълим олишга қизиқадиган ва Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилмоқчи бўлган тендосларим жуда кўп. Уларнинг таълим олиши, замонавий мутахассисликларни эгаллаш учун янги-янги олий таълим муассасалари ташкил этилса, мазкур билим юртларида таҳсил олган ёшлар Афғонистонни тараққиёт этган мамлакатлар каторига олиб чиқиш йўлида меҳнат қилади.

Ўзбекистон Афғонистонга барча соҳаларда қўмақ бermoқда. Шунга айтишим кераки, мамлакатнинг ва халқининг қўмагини ҳар бир афғон фуқароси қалбан чуқур ҳис қилмоқда.

Конференция якунида Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири вази фаҳсини бажарувчи Амир Хон Муттақий ва Ўзбекистон Президентининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.



Амир Хон МУТТАҚИЙ, Афғонистон ташқи ишлар вазир вази фаҳсини бажарувчи

Бугунги конференцияда 35 киши сўзга чиқди. Уларнинг фақатгина 2 нафари бугунги кунда Афғонистон янги ҳукумати томонидан амалга оширилётган ишлорнинг салбий томондан баҳолади. Қолган аксарият маърузачилар Афғонистондаги ижобий ишлорларга эътибор қаратиб, уларни эътироф этди.

Мазкур конференциянинг яна бир муваффақиятли томони шундаки, аввалги афғон инқирозига бағишланган

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ҚАТЪИЙ ИШОНЧ РУҶИ

Бугун ҳар биримизни улкан мақсадлар сари чорламоқда



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз 2017 йил 28 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, раҳбарлар шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йилги мажлисда “Одамларимиз эртага ёки узоқ келажақда эмас, балки бугун яхши яшашни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Шунинг учун биз олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишимиз зарур”, дея таъкидлаган эди.

Бунга ҳам давлатимиз раҳбари ижро интизомини кучайтириш, қабул қилинаётган ҳар бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан барча тизим масъуллари олди-га қатъий вазифалар кўйган эди.

Бугун ўйлаб қарасак, мана шу жонқуяр фаолият ва қатъий талаб нақадар муҳим бўлганини англаймиз, қайсики марра ва мақсадларимизга эришган бўлсак, барчасида интизом бош омил эканини тушунамиз.

Шу тарихка ҳаётимизга қатъий тартиб-интизом кириб келганига ҳам қарийб олти йил бўлибди. Энди унинг самарасини таҳлил қилсак.

ТАРТИБЛИ, ИНТИЗОМЛИ, МАҚСАДЛИ ЯШАШ ФОРМУЛАСИ

Биринчидан, ҳокимлар, вазирлар, кўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулияти ошди. Халқ билан мулоқот тикланди.

Шу ўринда бир қарашда кичик, лекин маънан таъсири катта бир элементни айтиб ўтамиз. Давлат идоралари, бошқарув органлари, ижро ҳокимияти баланд темир панжаралар билан ўраб олинган эди. Бу темир панжаралар оддий халққа сира очилмас, ичкарида нималар бўлаётганидан ҳеч кимнинг хабари бўлмасди. Ичи дардга тўла одамлар темир панжаралар атрофида сарсон кезар, ҳаракатлари бесамар кетарди.

Нихоят шу девор олиб ташланди. Ичкарига тоза ҳаво кирди, ташқарига эса халқчил сиёсат соясини тушди. Ҳоким халқни, оддий одамларни таний бошлади. Фуқаролар, дастлаб, ишончсиз кайфиятда ўз дардини айтишга киришди. Чунки узоқ йиллар ечимини топмаган муаммолар бирданига, бир-икки кун ёки ойда ҳал бўлишига ҳеч кимда ишонч йўқ эди-да. Йўқ, бўлар экан, бўлди. **Бунинг учун Президентимиз шахсий намуна кўрсатди.** Маҳаллаларга, хонадонларга, эл орасига ўзи кириб борди. Одамлар билан қўл олишиб кўришди. Шоир айтмоқчи, **кучоқ очиб халқ ичига кирди.** Бошқалардан ҳам шунини талаб қилди. Шу пайтгача вилоят ҳокими ёки бирон вазир туғул, ўз туманининг ҳокими билан ҳам қўл бериб кўришмаган оддий одамлар учун ниҳоятда катта ишонч ва ҳаёти яхши томонга ўзгаришига қувончли мўжза эди бу.

Халқ ичига кириб, дардини эшитадиган, муаммоларни ҳал қилишга қодир раҳбарларгина ишлай бошлади, хизмат вазифасига лоқайдлик ва

бепарволик билан муносабатда бўлганларнинг эса “жавоби берилди”. Бунга ҳаммамиз гувоҳимиз. Бу халқ йўли бўлди, халқчил ислохотлар шундай бошланди. Бир сўз билан айтганда, ижро интизоми кучга кирди. Ҳар бир қонун, фармон ва қарорлар амалда ўз ифодасини топишига халқ ишончи ортди.

Иккинчидан, раҳбарларнинг ўз ишига етди-юнак етди, раҳбарларнинг ўз ишига етди.

“Суюнчи” фильмида айтилганидек, ҳар бир маҳалланинг “виждони” пайдо бўлди. Шунда “кимўзар” баҳси бошланди. Бу соғлом рақобат муҳити эди. Ахир ҳамма ўз уйи, унинг атрофи ва маҳалласи обод бўлишини истайди-да.

Сиз, неча йиллар уйқуда бўлиб келган “маҳалла виждони” қандай уйғонди, деб ўйлайсиз? Ишончимизки, бир хил фикрдамик: аввало, виждон уйғониши атроф-муҳит билан боғлиқ жараён. Яъни ён-атрофимизда бўлаётган амалий ишлар, одамлар ҳаётини ўзгартириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳаммамни қувонтирди.

Агар сизга кимдир эътибор бериб, муносиб ҳаёт тарзи ваъда қилса, шунингдек, буни амалда кўрсатса, ўз-ўзидан ҳаракат механизми ҳосил бўлади. Юртимиз маҳаллаларида ҳам шундай кечди. Президент маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, инфратузилмани янгилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш сиёсатини бошлади. Бунинг учун барча молиявий манбалар ҳам аниқ-тиниқ белгиланди.

“Ҳароб ва файзи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка интилиши ҳам бўлмайди. Иккинчи томондан, улар ҳам фуқароларимиз, нима учун улар шариот йўқ жойда яшаси керак?”, дея бонг урди давлатимиз раҳбари. Бошқача айтганда, узоқ йиллар бизга бўлаверди, деган кайфиятни ўзгартирди, мудроқ қалбларни сергак торттирди. Шу-шу маҳаллалар буткул обод бўла бошлади.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини эслайлик. Дастлаб, Манас қишлоғидан бошланган ободонлик ишларига ҳаммамиз ҳавас билан қараган эдик. Кўп ўтмай бу янгиланиш шукӯҳи мамлакат бўйлаб авж олди. Уйғоқ виждон билан айтсак, бугун ўзгаришлар эпкинни кириб бормаган биронта ҳам маҳалла йўқ.

Учинчидан, тартибли, интизомли, мақсадли яшаш формуласи шаклланди.

Турмуш изига, маромига тушса, одам ўзини ислоҳ қила бошлайди. Фаол, барқалиб ва мақсадли кун тартиби шаклланади. Мана, масалан, эрталаб фарзандини боғчага олиб бораётган ота-оналар сони кейинги беш йил мобайнида 40-50 фоизга кўпайди. Демак, энди улар оиласи кун тартибидан фарзандининг боғчадаги тарбияси билан боғлиқ муҳим ўзгаришлар ўрин олган. Уғил-қизлари келажагидан кўнгли тўқлиқ толеи бор.

Яна бир мисол. Маҳаллаларда барпо этилган спорт майдончалари, янги қурилган юриш ва югуриш йўлакчаларида сайр қилиб юрган ёшу қарини тонгда ҳам, оқшомида ҳам кўп кўряпмиз. Бундан англашиладики, Янги Ўзбекистон одамлари кун тартибидан ўз саломатлигини сақлашга муҳим ўрин ажратмоқда.

Янгиланган кун тартибидан ҳаммави айта олаш омиллари ҳам алоҳида вақт сарфланаётди. Ростини айтсак, аввал вақт етмас, шароитимиз йўл қўймас эди. Чунки бугунгидек аҳолига марказлашган хизматлар электрон шаклда кўрсатилмас, қўғозболик ва ортиқча югур-югурлар тинкамизни қўртарди. Бунга мисоллар кўп. Биргина паспорт тизимидан ташвишли елиб-югуришларни эслаш киёфя. Ташкент шаҳрига вақтинча рўйхатда туриш учун ҳам ҳафталаб, оилаб югурар эдик. Айтилик, Ташкенту олис Хоразм ўртасида қатнаб, неча юз минг сўмлаб пул сарфлаб, эндигина мақсадга етишим деганда, кейинги олти ойлик ташвишли гардан-ни эзиб туради.


Фарзандига туғилганлик гувоҳномаси, банкдан нақд пул олиш, уйига кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, пенсияни интиқиб қутуш, свет, сув, газ идораларига қўриб, узоқ наватни кутиб пул тўлаш... Бугун буларнинг барини уйда, ишда дуврил, телефоними эъдаминида бажаряпмиз. Давлат хизматлари одамлар уйига кириб борди. Ортиқча вақт ва маблағ сарфидан халос бўлдики. Энг ачинарлиси, мана шу инерция асорати оддий халқ елкасига оғир турмуш юки бўлиб тушди.

Шундай оғир шароитда катта, халқчил ислохотлар эшиги очиб юборилгач, танти ва меҳнатқаш, ҳар қандай қийинчиликни биргаликда енгиб ўтишга қодир юртдошларимиз телевизор қаршисидан кетмай қолганида ҳам гап кўп эди.

Улар ҳар кунги, ҳар соатда Президентимизнинг телевизор орқали чиқишини кутар, видеоселектор йўғиштиришдаги ташаббусларини, раҳбарлар олди-га қўйган вазифаларни таҳлил қилар, деярли ҳар кунги қабул қилинаётган янги фармон ва қарорлардаги имтиёз ва имкониятлардан хурсанд бўларди. Вилоятларга ташрифлари эса одамлар учун катта байрам эди. Боиси, бу ташрифлар чоғида 25-30, ҳатто 40-50 йил наридан келаётган муаммоларга ечим топилар, одамлар ўз дардини кимга айтишини биларди.

Президентимиз таъкидлайди: **“мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, ижро органлари ишидаги ўзгаришларни жойларда одамлар сезиши керак. Бунинг учун қуйи бўғиндаги ишлар самарадорлигини ошириш, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш барча раҳбар ва мутасаддилар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур”**.

Шу каби узоқ ва интиқ қутулган ислохотларнинг жадал рўбегига миннатдорлик ҳисси пайдо бўлибди.



“Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пиروвард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”. **ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ МАНА ШУ ОЛИЖАНОБ МАҚСАДИ БУГУН ҲАР БИРИМИЗНИ ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЧОРЛАБ, ҚАЛБИМИЗНИ РУҲЛАНТИРИБ ТУРИБДИ. БУ ЭВРИЛИШ НИМАЛАРДА АКС ЭТАДИ? АВАЛО, ИШОНЧДА.**

Аваллари ишга ҳафсаласиз келар, уйга боришга ҳам кўп шошилмас эдик. Бугун кўчада ҳам, ишда ҳам, уйда ҳам жўшқин муҳит ҳукмрон. Нега шундай бўлганига қулоқ тугатганмизми?

Чунки ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётдан умиди катта, мақсадлари аниқ. Йўғимиз очик, муносиб яшаш учун барча имкониятлар яратилди, шароитлар қилинди. Бу ҳам кун тартибимизга катта ўзгаришларни киритди.

Эътибор берсак, кечки соат ўн-ўн бирларда ҳам метрода вагонлар тўла бўлади. Беш-олти йил олдин бу вақтда метрода йўловчиларни кам кўрадик. Кечки йўловчиларнинг аксарияти ёшлар. Бугунги йигит-қизларнинг кун тартиби беш-олти йил олдинги ёшлар ҳаётидан тубдан фарқ қилади. Янги Ўзбекистон ёшлари ўқишдан бўш вақтини қўшимча машғулотларга, ишга сарфлайди, олий таълим муассасаларида кечки ва сиртки таълим шаклида билим олиш имконияти яратилди. Хиёболлардаги яшил майсазор устида китоб ўқийётган ёшларимиз ҳам кўпайди. Ҳаммаси хотиржам, келажагидан кўнгли тўқ.

Мақсади аниқ — улар Учинчи Ренессанс бунёдкорлари. Ҳаракат ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Ҳозир шулар ҳақида ўйлар эканман, Президентимизнинг яна бир гапи ёдимга тушади:

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪКИДЛАЙДИ: “МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ, ИЖРО ОРГАНЛАРИ ИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЖОЙЛАРДА ОДАМЛАР СЕЗИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ҚУЙИ БЎЎИНДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ОДИЙ ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ БАРЧА РАҲБАР ВА МУТАСАДДИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР”.

“Янги Ўзбекистоннинг нафаси, суръати ва шиддатини, аввало, азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, дадил фикр ва тақлифларида, эришаётган дастлабки ютуқларида кўраман”.

Бу юксак ишчи бугун ҳар биримизнинг ниятимизда акс этди: муносиблик бахти ҳаммамизга насиб этсин.

Ҳаётимизда акс этаётган тартиб-интизом маҳсули ҳақида уч асос билан гапирдик. Аслида, гап кўп. Лекин, энг муҳими, кун тартибимизга бугунги замоннинг ўзи олиб кирган янги ўзгаришлар ҳар биримизнинг ҳаётимиз яхшиланаётганидан далолат бериб турибди.

ОРТГА ҚАЙТМАС ЙЎЛ

Биз юқорида халқимизнинг ислохотларга ишонч ҳақида сўз юритдик. Бор гапни яширмаймиз: жамиятнинг инерция таъсиридаги оқибатларини кўрдик. Нафақат кўрдик, балки унинг жабрини ҳам тортдик. Қўзғалмаслик кучи жамиятни қат-қат қосиқларга ўрайдди. Шунда бюрократия кампанияси авж олади, амалда бўлмаган ишлар қозғаларда ўз аксини топади, “жозибали сўз” уйини бошланади. Энг ачинарлиси, мана шу инерция асорати оддий халқ елкасига оғир турмуш юки бўлиб тушди.

Шундай оғир шароитда катта, халқчил ислохотлар эшиги очиб юборилгач, танти ва меҳнатқаш, ҳар қандай қийинчиликни биргаликда енгиб ўтишга қодир юртдошларимиз телевизор қаршисидан кетмай қолганида ҳам гап кўп эди.

Улар ҳар кунги, ҳар соатда Президентимизнинг телевизор орқали чиқишини кутар, видеоселектор йўғиштиришдаги ташаббусларини, раҳбарлар олди-га қўйган вазифаларни таҳлил қилар, деярли ҳар кунги қабул қилинаётган янги фармон ва қарорлардаги имтиёз ва имкониятлардан хурсанд бўларди. Вилоятларга ташрифлари эса одамлар учун катта байрам эди. Боиси, бу ташрифлар чоғида 25-30, ҳатто 40-50 йил наридан келаётган муаммоларга ечим топилар, одамлар ўз дардини кимга айтишини биларди.

Президентимиз таъкидлайди: **“мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, ижро органлари ишидаги ўзгаришларни жойларда одамлар сезиши керак. Бунинг учун қуйи бўғиндаги ишлар самарадорлигини ошириш, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш барча раҳбар ва мутасаддилар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур”**.

Шу каби узоқ ва интиқ қутулган ислохотларнинг жадал рўбегига миннатдорлик ҳисси пайдо бўлибди.

Яъни халқимиз Шавкат Мирзиёевни **“Менинг Президентим”**, деган юксак макомга кўтарди. Бу келажакка катта ишонч эди.

Бу беш-олти йил олдинги гаплар. Ушанда биз эндигина Ҳаракатлар стратегияси асосида иш бошлашга тайёргарлик кўраётган эдик. Ниҳояси хайрли бўлди. Стратегияда кўзлаган мақсадларимизга тўла эришдик.

Бир гап ҳеч ёдимдан чикмайди, ҳар доим масъулият юклаг туради. Уша йиллари давлатимиз раҳбари куюнчаклик билан тақдир бизнинг **чекимизга ниҳоятда масъулиятли вазифа юклагани, ҳеч биримизга осон бўлмаслиги, чунки олдимизда халқимизнинг бугунги турмуш шароитини тубдан янгилаш, фарзандларимизга нурли келажақ яратиш насибаси тушгани** ҳақида айтган эди.

Албатта, бу йўл осон бўлмаслиги ҳар биримизга аён. Давлатимиз раҳбарининг нуқтадон сиёсати, узоқни кўра билш қобилияти, буюк давлатчилигимиз тажрибаси, халқимизнинг донишманд феъли билан шу мақсадимиз йўлида катта ютуқларни қўлга киритдик. Мустаҳкам пойдевор қўриб олдик. Эндиги навбат **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”**. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари таъбири билан айт-

гани, биз бошлаган ислохотлар, тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлар, халқимиз турмуши фаровонлиги, фарзандларимиз бахти учун кўраётган чора-тадбирларимиз орта қайтмас тус олди.

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ҳозир ким билан гаплашсанг, вақт жуда тез ўтаётгани ҳақида айтиши мумкин. Ҳафталаб, оилаб, йиллар шитоб билан кечмоқда. Бу нимадан далолат?

Одатда, вақт қачон секин ўтаётгандек туюлишини яхши биламиз. Бекорчиликда. Демак, бугун вақт шитоб билан ўтаётганида ҳам хайрли ҳикматни кўраемиз. Одамлар ҳаракатга тушган. Бу бугунги ва эртанги қадри кунимизга бўлган ишончли ҳаракат.

Шу ўринда яна бир хайрли толений айтгимиз келди. Бугунги Ўзбекистон одамлари орузли халқ. Улар энди оруз қилишга, ўз олдига катта-катта мақсадлар қўйишдан қўрқмайди. Чунки инсон қадри улуғланган юрда яшаймиз.

Инсон қадри ҳақида гап кетганида яна уч муҳим ислохотни эътироф этмоқ лозим.

Биринчи: эркин фикр айтиш, жамиятдаги евоқеа-ҳодисаларга, давлат бошқарувида муносабат билдириш имконияти.

Оддий ҳаёт тарзига шунчалик мураккаб, уни баъзан англаш қийин кечади. Белоён саҳронинг ўз қонун-қоидалари, яйловдаги чўпон-чўлиқнинг яшаш тамойили, табиат билан уйғун эҳтиёжлари бор. Худди шунингдек, замонавий, илғор жамият ҳам ўз ҳукмига эга. Шундай экан, қўллашиб, кенгашиб иш қўриш ҳамма муҳим, бу — тадбирларнинг самарали бўлиши кафолати.

Бугун, фикримизча, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви юзасидан билдираётган ҳар бир фикри, истаги-и эҳтиёжи ўрганилаётгани замирида, аввало, уларнинг манфаати тургани ҳам шунда, аслида.

Иккинчи: “инсон — жамият — давлат” тамойилининг амалдаги ифодаси.

Президентимиз ҳар доим инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури барча соҳаларда биринчи ўринда туриши кераклигини таъкидлайди. Сиёсий ва ижтимоий тутумларимиз ҳам шу принципга ҳамоҳанг олиб борилмоқда.

Учинчи: *ижтимоий ҳимоя ва инсон капиталига эътиборнинг мутлақо янги босқичига ўтилгани.* Ижтимоий ҳимояни ўз ҳаётида сезган ҳар бир фуқаро хотиржам яшайди. Хотиржамлик тафаккур қилишга, фикр тинчиклигига олиб келади. Инсон капиталига эътибор эса тараққиётнинг узвий риштасини мустаҳкамлайди.

Шу оддий, лекин ниҳоятда азиз ақидага асосланган жамиятда ҳар доим катта эврилишлар бўлганига тарих гувоҳ. Бугун Ўзбекистон ҳам шу йўлда экани халқимиз бахти.

Бир сўз билан айтганда, бугун инсонларнинг ёркин фикрлари билан йўғрилган жамиятимизнинг янги қиёфаси шаклланди. Бунда ҳеч ким бир-бирини тубдан янгилаш, фарзандларимизга нурли келажақ яратиш насибаси тушгани ҳақида айтган эди.

Албатта, бу йўл осон бўлмаслиги ҳар биримизга аён. Давлатимиз раҳбарининг нуқтадон сиёсати, узоқни кўра билш қобилияти, буюк давлатчилигимиз тажрибаси, халқимизнинг донишманд феъли билан шу мақсадимиз йўлида катта ютуқларни қўлга киритдик. Мустаҳкам пойдевор қўриб олдик. Эндиги навбат **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”**. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари таъбири билан айт-

БУГУННИНГ ГАПИ

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев яқинда мамлакатимизга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохотлар юқори натижа бераётганини эътироф этиб, **“Президент Шавкат Мирзиёев белгиллаган барча режалар амалга ошапти ва улар тўлиқ рўбга чиқишига ишонман”**, деди.

Гапнинг чинини айтганда, атрофда, узоқ-яқинда дўст бор, душман бор. Янги Ўзбекистонни бар-по этиш йўлидаги катта юришларимиз кўпчиликнинг ҳавасини келтирди, албатта, лекин, афсуски, тирноқ остидан қир қидирадиган, биз бошлаган ислохотларга менсимай, ишонмай қараганлар ҳам бўлди.

Аслида биз бу ишларни мақтанмиш, кўз-кўз қилиш учун қилмаймиз. Шундай бўлса-да, борини гапирши вазирамиз. Ҳа, йўқни йўқ, борни бор, деб гапирини ҳам ўргандик. Урни келганда айтилик, Президентимиз журналистлардан доим ҳақиқатни айтишни сўрайди. **“Ортиқча мақтанлар, борини ёзинлар”**, дейди.

Хуллас, айтмоқчи бўлганимиз, бугун халқро сиёсат майдонида **“Янги Ўзбекистон руҳи”**, деган кенг қамровли ибора пайдо бўлди. Ўзбекистон ташаббуслари катта минбарларда янграб, унинг эътирофи Президентимиз илгари сурган ташаббуслар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинаётганида, расмий Тошкент нуфузли халқро анжуманлар, минтақаларо тинчилик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадидаги маслаҳатлашувлар манзилга айланганида ҳам кўзга ташланади.

Бугун конституциявий ислохотлар оғушидамиз. Таъкидлаш жоизки, **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига йўналишида қамраб олинган 100 та катта мақсадни** амалга оширишга киришдик. Эътибор берсак, шу мақсадларнинг барчаси **“Инсон қадри учун”**, деган тамойил билан сўғорилган.

Янги ҳаётимизда инкишофлар кўп. Буларнинг барчасини такомилга етказиш, замон талабларига мос ривожлантириш, олдимизга қўйган олий мақсадларга етиш учун ҳам конституциявий ислохот заруриятини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу боис, сўзимиз якунида айтмоқчимизки, халқимизнинг имманент қонунлари бор. Бу кенгашиб иш қўриш, етти ўлчаб, бир кенаси, илгма интилиш, бирдам, ҳамжихат бўлиб яшаш, кексани ҳурмат, кичкин иззат қилиш, сойлаганини сойлаш, яхши-ёмон кунларда ҳам шукр қилиб яшаш, иймон-эътиқод билан иш қўриш, оқибатли бўлиш демакдир.

Бу хислатлар аслрлар мобайнида иккита Ренессанс даврига бешик бўлди. Эътибор берсак, IX асрдан бошланган Биринчи Ренессанс ордан беш аср ўтган — XIV асрда яна қайта такроланган. Бугун XXI асрнинг биринчи чораги адоғидамиз. Табиат улчамлари ҳам Буюк Тамaddonга замин ҳозирлаётгани чин бўлсин, деймиш.

Сўзимизни эса Президентимизнинг қуйидаги гапи билан мухтасар қилсак: **“Янги Ўзбекистон орузси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омиллари белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга ҳос яратувчанлик шижоати ва кенг қўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир”**.

Ҳа, ҳар биримизнинг азиз Ватанимизга меҳримиз чекиши. Шу буюк меҳр бизни жонажон юртимизни асраб-авайлашга, ҳамжихат ва аҳил яшашга, яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ундаб туради. Энг муҳими, бугун халқимиз дунёқараш ўзгарган, эзу мақсадларга эришишга катта ишонч шаклланди. Демак, Тараққиёт стратегиямизда кўзланган мақсадлар ва ундан кейинги қўлтур марраларни забт этишимизга ҳеч кимда шубҳа йўқ.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz_uz_news

ЧОРВАЧИЛИК

АРЗОН ВА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ

Тўкинлик, фаровонлик далолати

Бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга қўйилаётган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узиллишлар эса муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Тахлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогнози қилинмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат, жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳамияти катта.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари



Ветеринария хизмати замон талабларига мос ривожланипти

Президентимиз раислигида 18 июль куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтилган жўхатлар таҳлил қилинар экан, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, нарх-навоининг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари қўйилганлиги таъкидланди. Бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Аҳамият берган булсангиз, сўнгги йилларда наинки саноати ривожланган давлатлар, балки аграр тармоқ етакчи бўлган мамлакатларда ҳам озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш долзарб масалага айланган. Шу ўринда табиий савол туғилади: нега ва ниманинг ҳисобига танқислик кучаймоқда?

Бунга аввало, сайёраимизда мавжуд ресурсларнинг чеклангани, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эhtiёжлари сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, ерларнинг чўлпанлиги ва шўрланлиги даражаси ортиб бораётгани, тўпрок унмолдорлигининг пасайиши, сув танқислиги каби муаммолар ҳам салбий таъсир қилляпти. Дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзининг акс таъсирини намойён этиб улгурган ва халқаро майдонда давом этаётган сийсий тангиликлар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларига турли чекловлар ўрнатилиши ҳам нархлар беқарорлигини келтириб чиқармоқда.

Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, парранда, балик ва сут маҳсулотлари нархларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ички бозоримизда ҳам асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши кузатилди. Хусусан, жойларда сут нархи 30-36 фоизга, тухум нархи 10-12 фоизгача қimmatлашгани маълум.



Давлатимиз раҳбари раислигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш юзасидан ўтказилган қатор йиғилишларда бу каби ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик ҳолатларнинг олдини олиш ва юмшатиш бўйича тегишли вазифалар, янги ишлаш усуллари белгилаб берилляпти. Соҳага доир тегишли қонунчилик ҳужжатлари ҳамда тармоқни ривожлантиришга оид белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бу масканга келган киши кўз илғамас кенгликларда ястаниб ётган боғу роғларни кўриб ҳаваси келади. Яқин-яқинларгача бу жойлар ҳеч нарса экилмаган, ҳеч нарса ўсмайдиган куруқ ер эди. Асрлар давомида қақраб ётган, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди, деган иборатга монанд худудга Президентимиз ташаббуси билан янги ҳаёт нафаси кириб келди.

Айтишларича, авваллари ҳам Қапчугайнинг ҳали ўзлаштирилмаган тошшағалдан иборат бу ерларини обод қўшага айлантириш учун ҳаракатлар, уришишлар бўлган. Лекин етарли маблағ, ташаббуснинг йўқлиги боис, қир-адирликларда боғ-роғ барпо этиш ишлари қозғаларда қилиб кетган.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасидаги амалий ислохотлар натижасида Олтиариқ туманида 1000 гектар ерда янги боғ барпо этилди. Янги қудуқлар ва ҳовузлар қазилиб, қир-адирликларга обихаёт кириб борди. Эрта қўқламда яхши ниятда экилган қўчатлар япроқ ёзди, сархил сабзавот экинлари ҳосилга кирди. Бу айтишга осон. Аммо унинг замирида тинимсиз ҳалол меҳнат, изланиш, фидойилик мужассам.



ҚАПЧУҒАЙ БОҒЛАРИ ҲОСИЛГА КИРДИ

Бугунга қадар ўзлаштирилган майдонларнинг 560 гектарига тоқзор барпо этилиб, "хусайни", "келинбармоқ", "ризамат", "кишиш" сингари бозорбоп узум навлари парваришланяпти. 300 гектар интенсив боғда олпа, гилос, ўрик қўчатлари баравж ривожланмоқда. Миришкорлар узумзор қатор ораларида бозор талабларига қараб тарвуз, ошқовоқ, ловия ва бошқа полиз экинлари етиштиришни йўлга қўйишди. Қувонарлиси, полиз ҳосилга кирди. Ҳосил чўгидан мамнун деҳқонлар барчани тарвуз, қовун сайлига чорляпти.

"Қўрғонча" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Азизжон Исмоилова Қапчугай қир-адирлари бегона эмас. Асрлар давомида қақраб ётган адирлар, ёшлик хотиралари муҳрланган ушбу маскан бу қадар обод бўлиб, боғу роғлар буй кўрсатишини ким ҳам ўйлабди.

Президентимиз билан учрашув ҳаётимда энг эсда қоларли дамлар бўлди. Давлатимиз раҳбари узумчилик, мева ҳамда сабзавот етиштиришни ривожлантириш бўйича берган тақлиф ва тавсиялар, соҳа ривожини йўлга яратиб берилган имконият ва имтиёзлар қучимизга



куч, гайратимизга гайрат қўшди, — дейди Азизжон узум қўчатлари орасида пишган тарвузни қўлига олиб. — Бир неча йил ҳориджа ишлаб тайинли даромад топа олмангидан бирим икки бўлмади. Шунинг учун ортага қайтдим. Менга томчилаб сўғориш тизими йўлга қўйилган 20 сотих тайёр тоқзор, 25 миллион сўм имтиёзли кредит беришди. Бу жуда катта имконият. Ҳозир оила аъзоларим кўмағида 600 тулдан ортиқ сара узум тупини парваришля-

ялман. Узумлар уч йилда ҳосилга қиради. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида қўчатлар орасига тарвуз, ловия экидик. Биринчи ҳосил — тарвуз пишиди. Беш тоннадан ортиқ ҳосил териб олдик. Даромад салмоғи 10 миллион сўмдан осдик. Айни кунда кечки помидор, бодринг экинни қўзлаб турбимиз.

Боғлар кадастр ҳўжатлари асосида хусусий мулк тарикасида боғбонларга расмийлаштириб берилмоқда. Бу одам-

Маҳсулдор чорва зотлари, самарали вакциналар яратилди



Албатта, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорва моллари ва паррандаларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш қанчалар



муҳим бўлса, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ҳам бирдек муҳим саналади. Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 31 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ташкил этилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Чунки мазкур университет олдида ветеринария ва чорвачилик тармоқини барқарор ривожлантириш учун юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, профессионал кадрларни тайёрлаш ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро ҳамкорлик ва рақобатбардошликни таъминлаш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, таълимни амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш каби устувор вазифалар қўйилди.

Айни пайтда қўмитамиз тасарруфида 3 та олий таълим, 5 та техникум, 3 та илмий-тадқиқот институти ва 1 та академик лицей бўлиб, уларда қарий 9 минг 200 нафар талаба тахсил олмоқда.

Халқаро ҳамкорлик доирасида эса Беларусь Республикасининг Гродно ДАУ ҳамда Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси билан ҳамкорликда қўша таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланмоқда.

Тизимда илмий-тадқиқот ишлари самарали йўлга қўйилган бўлиб, 3 та илмий-тадқиқот институти университет билан ўз йўналишлари бўйича ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Илмий тадқиқотлар натижасида республикада чорва моллари наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш ҳамда юқумли ва юқумсиз касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий хомаш асосида юқори самарадор ветеринария препаратлари ва диагностикалари яратилди ҳамда уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллий штаммлар асосида қорамолларнинг тейлероз касаллигига қарши вакцинанинг илмий асоси яратилди. Ҳайвонларнинг колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касаллиқларига қарши маҳаллий вакцина 100 фоизгача самара бериши аниқланди.

Ветеринария биопрепаратларини тайёрлашда фойдаланиладиган микроорганизмлар штампларининг биологик, морфологик, иммунологик хусусиятлари ўрганилиб, 12 та штаммини паспортизация қилиш услуби ишлаб чиқилди. Асалари, қуён ва балик касаллиқларига тахшиш қўйиш, даволаш ва олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маҳаллий ишлаб чиқариш штаммлари асосида колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касаллиқларини даволаш учун қон зардобини олиш усули ва технологияси яратилди.

Ўсимлик моддалари қимёси институти билан ҳамкорликда яратилган "Альбус" препа-

рати Жиззах вилоятидаги "Golden territory" МЧЖда 9 минг бош қўй-эчкида гелминтозларнинг олдини олиш, даволаш мақсадида татбиқ этилди. Ҳайвонларнинг хавфли паразитоз ва табиий ўчоқли трансмиссив касалликларга қарши "Биоинсектицид" препарати ишлаб чиқилди.

Россиянинг "ЮНИГЕН" МЧЖ ҚҚ билан ҳамкорликда юртимизда илк бор лейкоз касаллигини диагностика қилувчи маҳаллий "Лейкоз IgG-ИФА" иммунофермент таҳлил реагентлари жамланмаси яратилди.

Тадқиқотлар натижасида қизил қўл зотли сигирларнинг янги оилаларига асос солиниб, 2 та янги ва сермахсул сигирларнинг 10 та оиласи яратилди. Швейцария зотли қорамолларнинг янги водий типли ва учта янги сермахсул завод линиялари ҳамда ушбу қорамолларнинг 11 та оиласи яратилди. Андижон вилояти ҳўжалиқларида жорий этилмоқда.



Кореянинг КОРИА маркази билан ҳамкорликда юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан 30 тадан хонадонга 3 бошдан, жами 390 та хонадонга 1170 бош ёш қорамол олиб берилиб, TMR технологияси асосида озиқлантириш жорий қилинди. Бунда, озуқалар ҳазмланishi 20 фоизга, буқачаларнинг ўсиш ва ривожланиши 15 фоизга, аҳоли даромади 30 фоизгача оширилди. Ҳозирда КОРИА маркази билан ҳамкорликда 2021-2023 йилларга мўлжалланган 150 минг долларлик лойиҳа амалга оширилляпти.

Оҳангарон туманида гўшт-ёғ йўналишидаги жайдари зотли қўйларнинг сермахсул янги "Ақчасой" типни яратилди.

Маҳаллий популяциядаги асаларилар Карпат зотли асаларилар билан частиштирилиб, маҳсулдорлиги 30-40 фоиз юқори бўлган авлодлар олинди ҳамда Тошкент ва Наманган вилоятларидаги асаларичилик ҳўжалиқларида жорий этилди. Асаларичиликда илк бор она асалариларни сунъий усулда уруғлантириш технологияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида илк бор Сибирь оёстри балигидан маҳаллий иқлим шароитида сунъий урчиштириш орқали уруғлик (икра) олиш йўлга қўйилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан олиб борилаётган бу каби барча саъй-ҳаракатлар замирида мамлакатимизда ветеринария ойсойишларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсади мужассам.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

2019-2030 йилларда мамлакатимизда ялпи ишлаб чиқариладиган электр энергиясида қуёш ва шамолдан олинadиган энергия улушини 13,8 фоизга етказиш мақсад қилинган. Қуёш ва шамолдан энергия олиш эса кўп жиҳатдан об-ҳавога боғлиқ. Шу боис, бу энергия қуввати қамайганда унинг ўрнини тўлдириш учун бошқа арзон ва экологик тоза манбаларни излаб топшига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Шунингдек, экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ бугунги ҳолат водород энергетикасини янада ривожлантиришни талаб этяпти.



Жавоҳир ШЕРМАТОВ,
Фанлар академияси
Материалшунослик институти
илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Халқаро экспертлар 2050 йилда водород энергетикаси улуши дунё миқёсида 18 фоиз, 2100 йилда 40 фоиздан ошишини тахмин қилмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатлари водород энергетикасини ривожлантириш орқали атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини 95 фоизгача қамайтиришни режалаштирган.

Шу мақсадда дунёда водород энергетикасини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича кенг миқёсли илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи 2050 йилгача ёнилғига бўлган умумий эҳтиёжнинг 25 фоизини водород воситасида таъминлашни мақсад қилган.

Япония водород дастурида 2020 йилда 1,4 миллион, 2030 йилда эса 5,3 миллион дон водородли ёнилғи элементини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Хитойда 2050 йилда жами ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажмининг 10 фоизи водород ҳиссасига тўғри келиши белгиланган.

Водород энергетикаси ҳозирга қадар кенг оммалашмаганига асосий сабаблардан бири уни ишлаб чиқариш таннархи юқорилигидир. Шунингдек, сақлаш хавфсизлиги ва бир масофадан иккинчи масофага узатиш ва албатта, ушбу соҳанинг янгилиги яна бир сабабдир. Мавжуд технологиялар ёрдамида бир бирлик водород энергияси олиш учун 4-6 бирлик энергия сарфланади. Масалан, табиий газдан фойдаланиб водород олиш учун 1200°C, сувни парчалаб олиш учун эса 1600°C ҳарорат зарур.

Мамлакатимизда водород энергетикасини ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилган. Масалан, Фанлар академиясининг Материалшунослик институтида водородни синтез қилиш, рух билан сувни аралаштириш ҳамда қуёш энергияси воситасида водород ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар қилиняпти.

Умуман олганда, Материалшунослик институтининг етгита лабораториясида бажарилаётган фундаментал изланишлар асосан, маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда, одатий технологиялар ёки муассамлашган қуёш нури ёрдамида янги материаллар ишлаб чиқишга асосланган. Кенг қўлланли соҳасига эга функционал керамика, ўта ўтказувчан ҳамда селектив ютиш қобилиятига эга материаллар билан бир қаторда водород синтези технологиялари шулар жумласидан.

Катта қуёш қурилмаси имкониятлари

Катта қуёш қурилмаси технологик минорасида жойлашган қиздириш ускуналари ёрдамида санокли дақиқада юқори ҳароратга (2500-3000) эришишдан ташқари ўта соф материаллар синтез қилиш ва одатий технологиялар йўли билан олиш ўта қimmatта тушадиган (масалан, карбон тоналар) ишлаб чиқариш жараёнини арзон усулга алмаштириш мумкин.

Одатий электр, газ орқали қиздириш ускуналари ёрдамида 1500 дан юқори ҳарорат олиш учун камда 12-20 соат вақт сарфланади. Бизнинг қурилмада бу ҳароратни олиш учун бир неча сония атрофида вақт кифоя. Тўғри, санот даражасидаги ишлаб чиқариш билан қурилмаининг эришти майдонидида ишлаб чиқариш ҳажминини солиштириб бўлмайди. Шу боис, Дрезден техника университети ҳамда Жанубий Корея нодир металллар институти билан биргаликда кам ҳажмли, лекин юқори

қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш устида ишляпмиз. Айниқса, олом олимлари билан бажарилаётган иш диққатга сазовор. Улар 1 килограммининг нархи 200 АҚШ долларидан 350 долларгача турувчи карбон тоналар ишлаб чиқариш учун қуёш пачидан таралувчи юқори ҳароратдан фойдаланишни таклиф қилди. Бу гоё Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди ва маблағ ажратилди. Ҳозир ёш олимлар бошланғич тажрибалар олиб борапти.

Истиқболли ишланмалар

Институт 20 йилдан бери "Ўзбекнефтгаз" АЖ корхоналари учун табиий газни турли бирикмалардан тозалаш ва қуритишда ишлатиладиган инерт керамик шарлар ишлаб чиқаради. Бундай шарга мамлакатимизда йиллик эҳтиёж 600 тоннани ташкил қилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига 2023 йилга бориб, импорт ўрнини тўлиқ қоплаш режалаштирилган. Ишлаб чиқаришни тизимли йўлга қўйиш учун институт хузурида "Керамика Қуёш" МЧЖ ташкил этилди. Унга Инновацион ривожланиш вазирлиги гранти ҳисобидан қўшимча ускуналар ҳамда газ печи сотиб олиниб ўрнатилди. Бу йил "Урганчтрансгаз" унитар корхонаси билан 450 миллион сўмлик шартнома ҳам имзоланди.

Яна бир янги ишланма "Олмалик КМК" АЖ эҳтиёжи учун олеин кислотасини ишлаб чиқаришда қўлланади. Бу кислотага биргина ОКМКнинг йиллик эҳтиёжи 400 тоннани ташкил этади. Шу ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига 2023 йилдан импортни тўхтатиш режалаштирилган.

Импорт ўрнини босиш режалаштирилган навбатдаги ишланма пайвандлаш электродлари учун шихта (ёнувчи қобик) ишлаб чиқаришдир. Институт олимлари маҳаллий хомашё асосида шихта таркибини ишлаб чиққан ва сировдан муваффақиятли ўтказган. Бу маҳсулотга юртимиздаги йиллик эҳтиёж ўртача 14 минг тоннани ташкил қилади ва бу эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2024 йилдан импортни тўхтатиш кўзда тутилган.

Экспортга йўналтирилган технологиялар

Институт олимлари қийин пайвандланадиган конструкциялар пўлат (титан, никель, алюминий ва бошқалар) ҳамда қотишмаларни пайвандлаш учун янги флюслар ишлаб чиқди. Бу қалинлиги 4 миллиметрдан ортқ металлларни бир ўтишда юқори сифатда пайвандлаш имконини беради. Муқобили йўқ бу ишланма Тошкент қувур заводи ва "Олмалик КМК" АЖда санот сировдан ўтказилган. Жанубий Корея санот технологиялари институти (KITECH) билан Hyundai Shipping корхоналарида сировдан ўтказиш режалаштирилган.

Экспортга йўналтирилган яна бир ишланма — агрессив муҳитдаги металл юзаларнинг коррозия турғунлигини ошириш учун ишлатиладиган лок-бўёқларни полимерлаш ускунаси. Ишланма Германиянинг SPS Group ва PRE Infratherm компаниялари билан AUDI, BMW, MAN, DAIMLER корхоналарида сировдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган яна бир ишланма — иссиқхоналари ёпиш учун ишлатиладиган ҳароратни муътадиллаштирувчи нанокөмпозит плёнка. Бу ишланма иссиқхоналарни ташқи энергияси қиздириш ва совитиш имконини беради, ҳосилдорлик 50 фоиз ортади. ХХР ва Испанияда 1 гектар майдонда сировдан ўтказилмоқда. Бу ишланма-нинг ҳам муқобили йўқ.

Глобал муаммолар ечим

Ҳозир институт олимлари "яшил" водород олиш технологиялари ва материаллари устида иланмоқда. Жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлиги молиявий қўллаб-қувватловчи билан 10 кВтлик фотовольтаик станция негизда 10 кВтлик водород синтези қурилмасини ишлаб чиқиш инновацион лойиҳаси доирасида "яшил" водород олиш ишлари якунига етказилди. Институтимизнинг Паркент туманидаги худудида ушбу қурилма ўрнатилиб, ҳозир водород синтезига ва экспериментлардан ташқари пайта институт периметрини ёритишга ишлатилмоқда.

Институт олимлари таклиф этаётган яна бир ишланма ис газини йиғиш ва иссиқхоналарда қўллаш учун говакли абсорберлардир. Бу ишланма қўлланганда ис газини ҳаводан ёки санот корхоналари худудидан йиғиб олиниб, иссиқхоналарга йўналтирилади ва усимликларнинг интенсификацияси таъминлаш билан бирга, карбонат ангидрид газини қамайтиришга сабаб бўлади.



ҚАРИЙБ БИР АСРЛИК ДОРИЛФУНУН МАРКАЗИЙ ОСИДАГИ "ТИББИЙ ТАЪЛИМ ХАБИ"ГА АЙЛАНАДИ

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети ректори,
профессор

Юртимиздаги олий ўқув юртлари сони 160 дан ошди. Хусусий олий таълим муассасалари ҳам давлат олий таълим муассасалари билан рақобатга кириша бошлади. Университетларда технопарклар, корворкинг ва симуляцион марказлар, ишлаб чиқариш лабораториялари ва талабалар малакасини ошириш марказлари ишга тушяпти. Замонавий халқаро талабалар университетлардаги ўқув жараёнини кучайтиришга кўмак бермоқда.

Мамлакатимизда ўқитиш сифати ва самардорлигига қаратилаётган эътибор Самарқанд вилоятида тиббий таълим ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Худудда соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини ошириш, ўқитиш жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиётидаги долзарб масалалар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш ҳамда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Илм ва амалиёт уйғунлиги

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳам юртимиз тиббиёти ва таълими ривожига фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Президентимизнинг шу йил 1 апрелдаги "Самарқанд давлат тиббиёт университетини ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига биноан, вилоятдаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари олий таълим муассасасига бириктирилди. Олийгоҳ мазкур техникум ва коллежлардаги таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб, уларда зарур моддий-техник, ўқув-методик базани шакллантиришда ҳамда таълим жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этади. Уларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади. Университетимиз клиникалари техникум ва коллежлар учун клиник база бўлиб хизмат қилади. Кафедралар ўз йўналиши бўйича ўрта махсус билим юртларига замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билиминини баҳолаб боради. Ушбу жараёнлар орқали олий ва ўрта махсус таълим интеграцияси таъминланади.

Шу билан бирга, университет профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини амалий тиббиётга уйғунлаштириш ҳам қарорда ўз аксини топган. Утган қисқа вақтда олий таълим муассасасининг барча профессор-ўқитувчилари вилоятнинг Оқдарё, Пахтачи, Урганч, Нарпай ва бошқа туманларида бўлиб, аҳоли саломатлигини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганди. Аҳолини хавф гуруҳларига кўра таснифлаш, шунга кўра, уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўрик ва назорат ўтказиш, соғломлаштириш ва реабилитация чораларини белгилаш, одамлар орасида энг кўп тарқалган хасталикларни эрта аниқлаш,



мақсадли скрининг қилиш чоралари кўриляпти. Махсус электрон дастур асосида "Саломатлик профили"ни яратиш, қишлоқ ва маҳаллаларда "Саломатлик мактаби" фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланди.

Тиббий таълимда жаҳон тажрибаси

Самарқанд давлат тиббиёт университети фаолиятига жаҳон тажрибасини уйғунлаштириш, ёшларни дунёдаги амалиёт билан таъиништириш мақсадида университет шу кунга



қадр 20 га яқин халқаро ташкилот билан меморандум имзолади. Жумладан, 8 та йирки тиббий марказ билан истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ҳозир университетнинг юздан ортқ хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқалари мавжуд бўлиб, малака ошириш, тажриба алмашиш ўқув курслари бўйича амалдаги меморандумлар сони 90 тага етди. 2022 йилнинг ўтган даврида ўқув муассасасида 10 га яқин халқаро ҳамкор олийгоҳ ва ташкилот иштирокида 10 дан ортқ келишув имзоланди. Уларнинг 90 фоизи амалиётга босқичма-босқич таълим этиляпти.

Бу йил университет ҳайъати АҚШнинг Питтсбург университетига бўлди. Учрашувлар давомида академик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Питтсбург университети тиббиёт мактаби билан шерикликда лойиҳаларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Шунингдек, Япониянинг JICA ташкилоти университет клиникалари инфратузилмасини тўлиқ модернизациялаш, янги жиҳозлар билан ишлайдиган ходимлар малакасини ошириш бўйича лойиҳаларини бошлади. Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Таиланд халқаро ҳамкорлик агентлиги (TICA) онлайн ўқув курсларини ташкил этипти. Унда университетнинг 20 дан зиёд ходими қатнашмоқда. Германиянинг Кох илмий-тадқиқот институти университет клиникасида илмий лаборатория ташкил этиш, COVID-19 ни ўрганиш бўйича ишларни давом эттиряпти. Корея Республикаси Пусан миллий университети ва университет клиникаларида амалий телетиббиётни ривожлантириш режалаштирилган.

Айни пайтда клиникада телетиббиёт марказлари ишга туширилди. Буюк Британиянинг Кембриж университети ва Самарқанд давлат тиббиёт университети ўртасида профессор-ўқитувчиларнинг чет тилдан саводхонлигини ошириш, тиббиётда хорижий тилларни ўқитишда янги технологияларни қўллаш, малака ошириш, тажриба алмашув ўқув курслари бўйича алоқалар ўрнатилди.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида 50 га яқин лойиҳа ҳужжатлари тўлиқ тайёрланди. Ҳозир Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 6 та лойиҳа талабномаси молиялаштириш учун тасвир этилган. Илмий-инновацион фаолият бўйича мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун вазирлик томонидан 8,2 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу йил "Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси" МЧЖ билан меморандум имзоланди. Асосий мақсад талабаларга стартап лойиҳалар ҳақида маълумот бериш, уларнинг ўз лойиҳаларини шакллантириши ва молиялаштиришига кўмаклашишга қаратилган. Натижада университетда 2 та долзарб стартап лойиҳа танлаб олинди. Уларга маблағ ажратилди ва молиялаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз томонидан таълимга берилётган эътибор одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, яшаш сифатини ошириш ва жамиятни тараққий эттиришга қаратилган. Чунки тараққий этган мамлакатларда олий таълим аҳолининг моддий-маънавий даражаси юқорилиги билан баҳоланади. 2022 йилда 36 та олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университетига академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилгани олийгоҳларнинг имкониятини янада кенгайтирди.

Университетлар ўз тараққий ёлини ўзи белгилаш, дунёдаги етакчи олий таълим муассасалари ўқув дастурларини ўрганган ҳолда уларни ўз ўқув-илмий жараёнига таъбиқ этиши, хорижий олимларни машғулотларга мустақил жалб этиши ва академик эркинлик юртимиз олийгоҳларининг яқин йилларда изчил ривожланишига хизмат қилади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАБУСЛАРИ АМАЛДА

Асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ кўлэзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини аниқлаш, фарзандларимизни шу улғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАЪНАВИЙ ТАФАККУР ҲАЗИНАСИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан алломалар ҳаёти, ижоди, таълимоти асл ҳолига ўрганиш, ундан халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини баҳраманд этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи доирасида "Етти пир" ҳақида китоб яратиш, хожалар-нақшбандия тариқати меросини ўрганиш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди.



Узбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, шарқшунос-манбашунос, тасаввуфшунос, исломшунос Комилжон РАҲИМОВ биринчилардан бўлиб хожалар-нақшбандия тариқати, Абдуҳалиқ Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган илк етти пирнинг ҳаёти ва фаолияти, таълимоти ва асосий ғояларига бағишланган бир неча китоблар нашр қилди.

замирда умуминсоний ғоялар, маънавий қамолот, ботиний поклик устувор аҳамият касб этади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ бу тарихат мавқеа кўтарилиб, дунё бўйлаб ёйилиб борди.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин янада кенг ёйилди. XV асрда Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ушбу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси сифатида майдонга чиқди.

Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа тасаввуф намояндаларининг ҳаёти, фаолияти ва меросини ўрганиш борасида сўнгги йилларда олиб борилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Сўнгги йилларда юртимизда маънавий-маърифий кадрларнинг тикланиши, улғ алломалар ҳаёти, ижоди, меросини ўрганиш жараёнида хожалар-нақшбандия таълимотини тадқиқ ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази фаолият қуритяпти. Ушбу марказ ташаббуси билан 2018 йилдан буён "Нақшбандия" илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнали нашр этиб келинади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг деярли барча худудларида динимиз равнақи йўлида

беқиёс хизмат қилган азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатаётганини эслатар экан, улар қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олиш, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил қилишни тақлиф этди.

2017 йил 8 ноябрда Самарқанд вилоятида ҳадис ва калом илмий мактаблари, ўша йилнинг 10 ноябрь кунини Қашқадарё вилоятида ақида илми мактаби ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби ҳамда 13 ноябрь кунини Фарғона вилоятида ислом ҳуқуқи мактаби иш бошлади.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд, унинг таълимоти хусусида нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар ёзиб қолдирилгани қайд этилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлэзмалар ҳазинасида сақланаётган ана шундай манбалар ва уларни тадқиқ этиш борасидаги ишлар ҳақида нима-лар дея оласиз?



Институтимиз кўлэзмалар ҳазинасида хожалар-нақшбандия тариқати тарихи ва таълимотига доир икки юздан ортиқ қадимий ёзма манбалар сақланади. Жумладан, Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг "Анис ут-толибин ва уддат ас-солиқин" (Толиблар дўсти ва солиқлар озуғи) асарига Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт тарзи, кашфу кароматлари ва пурҳикмат сўзларидан намуналар берилган.

Булardan ташқари, Баҳоуддин Нақшбанднинг суюкли шогирди Хожа Мухаммад Порсо ёзиб қолдирган бир неча асар орқали валийликнинг таърифи, Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатдаги илк даври, суҳбатлари ва ҳикматли сўзлари билан танишиш, ислом ақидаси, ибодат, шариат ва тариқат аҳкомларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Ҳозирги кунда нақшбандшунослик олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат? Шарқшунослик институти олимлари бу борада қандай илмий-амалий лойиҳалар устида иш олиб бормоқда?

Узбекистонда яшаб ўтган буюк тасаввуф алломалари меросини янада чуқурроқ ўрганиш, тасаввуф тариқатларининг халқимиз маънавияти, миллий менталитети ва дунёқараётининг шаклланиши, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиёти ва санъати тараққиётидаги ролини

аниқлаш бугунги кунда илмий жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалардир. Шу билан бир қаторда, юртимизда тасаввуф таълимоти доирасида шакллانган умуминсоний кадрлар, инсоний одоб-ахлоқ мезонлари, инсонпарварлик ва тинчликпарварлик ғояларидан ёш авлодни ватанга муҳаббат, буюк аждодларга эҳтиром руҳида тарбиялашда ҳамда бугунги ақидапараст ва диний-экстремистик ғояларга қарши туришда самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Энг муҳими, хожалар-нақшбандия тариқатининг муҳим назарий манбаларида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби ҳамда 13 ноябрь кунини Фарғона вилоятида ислом ҳуқуқи мактаби иш бошлади. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида иш бошлаган Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактабида тингловчиларга асосан нақшбандия таълимоти ўргатилади.

Бундан ташқари, Абдуҳалиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти, илмий меросига оид хорижий мамлакатлардаги кўлэзма манбалар, илмий-тадқиқот ва адабиётлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва нашр этиш, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанднинг "Ал-Аврад" (Баҳоуддин вирдлари), "Далил ул-ошиқин" (Ошиқлар далили)

бошқичи бўлган VIII-XI асрларда, яъни хожалар-нақшбандия тариқати вужудга келгунга қадар кечган даврини умумий тарзда бўлса-да, ёритиб беришга муваффақ бўлганман. Шунингдек, минтақавий тасаввуф мактабларидан мустақил бўлган Марказий Осиё тасаввуф мактаби шаклланиши ва ривожланганини исботлашга ҳаракат қилдик.

2017 йил 8 ноябрда Самарқанд вилоятида ҳадис ва калом илмий мактаблари, ўша йилнинг 10 ноябрь кунини Қашқадарё вилоятида ақида илми мактаби ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби ҳамда 13 ноябрь кунини Фарғона вилоятида ислом ҳуқуқи мактаби иш бошлади. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида иш бошлаган Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактабида тингловчиларга асосан нақшбандия таълимоти ўргатилади.



Марказий Осиёдан чиққан Ҳаким Термизий, Калободий Бухорий ва Мустамлий Бухорий каби тасаввуф назарийчилари асарларининг тасаввуф таълимотини тизимлаштиришдаги ролига тўхталиб ўтиш билан бирга, Мустамлий Бухорий каломнинг мансуб "Шарҳ ат-Таъриф" асарининг тасаввуф асосларига бағишланган фундаментал асар сифатидаги аҳамияти ҳамда унинг ўзидан кейинги сўфийлик асарларига курсатган таъсирини махсус тадқиқ этдим.

Яна шунинг алоҳида таъкидлашим жоизки, 2021 йил нақшбандия пирларига оид олти китоб Анкара шаҳридаги "Фахр" нашриётида турк тилида нашр этилди. Бу китоблардан учтаси — монография. Улар: "Хожалар-нақшбандия тариқати ва етти пир", "Хожалар-нақшбандия тариқати ва иқтисодиёт", "Мовароуннахр тасаввуфи илмий-таълимоти тарихи ва шарт-шароитлар азалдан мавжуд бўлган. Ушбу нуқтаи назарни исботлаш мақсадида китобнинг биринчи фаслида Марказий Осиё тасаввуфининг VIII-XI асрларда, яъни тариқатлар, жумладан, хожалар-нақшбандия тариқати вужудга келгунга қадар бўлган даврда кечган тарихи тўғрисида умумий шарҳ берилган.

Иккинчи фаслда тегишли манбалар ва тадқиқотлари чуқур ўрганиш асосида ушбу тариқат пирларининг иродат силсилалари, тариқатнинг вужудга келиши ва кенг тарқалиши тарихи ҳамда таълимоти асосларининг қисқача, умумий бўлса-да, нисбатан аниқроқ маъносини тасвирлашга муваффақ бўлдик. Етти пир — хожалар-нақшбандия тариқатининг илк етти раҳбари ҳаёти ва таълимоти бағишланган китобнинг биринчи фаслида турли манбалар ва адабиётлардан олинган маълумотларнинг тарихи ва тартиб-сиёзи йиғиндисиз эмас, балки чуқур таҳлилга асосланган ҳолда шакллантирилган. Манбаларга таянган ҳолда Абдуҳалиқ Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган илк етти пирнинг таваллуд ва вафот саналари, ҳаёти ва фаолияти, таълимоти ва асосий ғоялари тўғрисида нисбатан аниқ ва тизимли маълумот бера олдик.

Абдуҳалиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига армуғон сифатида амалга оширилган ушбу тадқиқот хожалар-нақшбандия тариқати тарихи ва таълимотини ўрганиш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилиши, деб умид қиламиз.

Давлатимиз раҳбари ўша ташриф доирасида "Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қерда йўқ. Бу хазинани муқаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз — ёшларимиз ўзимизнинг

алломалар эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин" деган эди. Президент топшириқлари ижроси сифатида каминга томонидан "Хожалар-нақшбандия тариқати ва етти пир" номи илмий китоб нашрга тайёрланди ва "Ўзбекистон" нашриётида ўн минг нусxada чоп этилди. Китобда ушбу тариқат асосчилари — Абдуҳалиқ Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган етти раҳбар ҳаёти ва фаолияти, ушбу таълимотнинг илмий асосланган манзараси чизиб берилган. Марказий Осиё тасаввуфининг хожалар-нақшбандия тариқати вужудга келгунга қадар бўлган даври тўғрисида умумий шарҳ берилган. Марказий Осиё тасаввуфининг VIII-XI асрларда, яъни тариқатлар, жумладан, хожалар-нақшбандия тариқати вужудга келгунга қадар бўлган даврда кечган тарихи тўғрисида умумий шарҳ берилган.

Иккинчи фаслда тегишли манбалар ва тадқиқотлари чуқур ўрганиш асосида ушбу тариқат пирларининг иродат силсилалари, тариқатнинг вужудга келиши ва кенг тарқалиши тарихи ҳамда таълимоти асосларининг қисқача, умумий бўлса-да, нисбатан аниқроқ маъносини тасвирлашга муваффақ бўлдик. Етти пир — хожалар-нақшбандия тариқатининг илк етти раҳбари ҳаёти ва таълимоти бағишланган китобнинг биринчи фаслида турли манбалар ва адабиётлардан олинган маълумотларнинг тарихи ва тартиб-сиёзи йиғиндисиз эмас, балки чуқур таҳлилга асосланган ҳолда шакллантирилган. Манбаларга таянган ҳолда Абдуҳалиқ Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган илк етти пирнинг таваллуд ва вафот саналари, ҳаёти ва фаолияти, таълимоти ва асосий ғоялари тўғрисида нисбатан аниқ ва тизимли маълумот бера олдик.

Абдуҳалиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига армуғон сифатида амалга оширилган ушбу тадқиқот хожалар-нақшбандия тариқати тарихи ва таълимотини ўрганиш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилиши, деб умид қиламиз.

Давлатимиз раҳбари ўша ташриф доирасида "Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қерда йўқ. Бу хазинани муқаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз — ёшларимиз ўзимизнинг

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДУК Бош муҳаррир: Муассис: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлэзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буруртма Г-764. 82285 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова Мусахҳиш: Малухат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй Ўза Яқуни — 22:36 Топширилди — 00:50